

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

# ДАВЛАТ ОРГАНИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ



ҲУҚУҚИНГИЗ БОР

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**НЕЪМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕЪМАТИЛЛОЕВИЧ  
ЮСУПОВ САРДОР БАҲОДИРОВИЧ**

**ДАВЛАТ ОРГАНИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ  
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 346.26(041)(575.1)

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июндаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Ж.Н. Неъматов, С.Б. Юсупов.  
Давлат органига мурожаат қилиш  
ҳуқуқингиз бор. Рисола. –  
Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 34 б.

**Тақризчилар:** **И.Қ. Тўрабоев** – Тошкент давлат юридик университети Бизнес ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD);  
**А.У. Эгамбердиев** – Тошкент давлат юридик университети Бизнес ҳуқуқи кафедраси доценти в.б., юридик фанлар номзоди.

Ушбу рисоладан кўзланган асосий мақсад аҳолининг давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг самарали усул ва воситаларини таништиришдан иборат. Рисола аҳолининг кенг қатлами учун мўлжалланган бўлиб, турли ижро органларига мурожаат қилишида ёрдамчи қўлланма вазифасини бажаради.

© Неъматов Ж.Н., Юсупов С.Б.  
© Тошкент давлат юридик университети, 2021.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	4
1. Мурожаат нима? .....	5
2. Кимлар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга? .....	6
3. Мурожаатларнинг қандай шакллари мавжуд? .....	6
4. Мурожаатларга қандай талаблар қўйилган? .....	7
5. Мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларни ошкор этиш мумкинми? .....	8
6. Мурожаатлар қандай тартибда берилади? .....	9
7. Мурожаат бериш муддатлари борми? .....	10
8. Мурожаатлар бўйича қандай иш юритиш тартиби мавжуд? .....	12
9. Мурожаатлар қандай тартибда кўриб чиқилади? .....	13
10. Мурожаатни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатишнинг умумий асослари .....	16
11. Аризани кўриб чиқиш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш, тиклаш ва тугатиш асослари .....	18
12. Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинадиган маъмурий ҳужжатга қўйиладиган талаблар .....	20
13. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик .....	22
14. Мурожаатлар юзасидан намуналар ва қизиқарли маълумотлар .....	25
15. Қизиқарли маълумотлар .....	31
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b> .....	33

## КИРИШ

Ҳурматли китобхон, Сиз давлат органларига қандай мурожаат қилишни биласизми? Бу борада қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларингиз борлигидан хабардормисиз? Агар юқоридаги саволлар жавоби Сизни қизиқтирган бўлса, унда мазкур рисолаани ўқиб чиқинг ва керакли маълумотларга эга бўлинг.

Фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилишида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” (янги таҳрирда 2017 йил 11 сентябрь, ЎРҚ–445-сон) ҳамда янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунлари уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали восита бўлиб хизмат қилади. Рисоладан кўзланган асосий мақсад аҳолининг давлат органларига мурожаат қилиш соҳасидаги саводхонлигини янада ошириш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали усул ва воситаларини таништиришдан иборат.

## 1. МУРОЖААТ НИМА?



**Мурожаат** – жисмоний ёки юридик шахснинг ариза, таклиф ёки шикоят орқали давлат органлари билан алоқага киришишидир.

Ариза – ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

Таклиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

Шикоят – бузилган ҳуқуқлар, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

*Давлат органларига мурожаат қилишга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида биласизми?*

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (35-, 44-моддалар);
- Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрирда 2017 йил 11 сентябрь, ЎРҚ-445-сон);
- Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомил-

лантиришига доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сон фармони;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом”.

## 2. КИМЛАР МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА?

Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

## 3. МУРОЖААТЛАРНИНГ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАРИ МАВЖУД?

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ва электрон шаклда бўлиши мумкин.

### **Эсда сақланг!**

Мурожаатлар шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

– Электрон мурожаат деганда, белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан, давлат органи, ташкилотнинг расмий веб-сайтга жойлаштирилган, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган мурожаатлар;

– оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу

жумладан, давлат органлари ва ташкилотларнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференц-алоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

#### **4. МУРОЖААТЛАРГА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛГАН?**

Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлик номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органи ва ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими, фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факс рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

## **5. МУРОЖААТЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН АЁН БЎЛИБ ҚОЛГАН МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ МУМКИНМИ?**

Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди. Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

### **Эсда тутинг!**

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда, жисмоний шахснинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

**Бу муҳим!** Жисмоний шахс, унинг вакили ва оила аъзоларини, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари,

эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органи, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этгани, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдиргани ва танқид қилгани муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

## **6. МУРОЖААТЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ?**

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибда юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда бериш, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига бериш ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатлари кўзланган мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек, уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин. Мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаатга тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда, мурожаатга илова қилиниши керак.

Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда, конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади. Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган

иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси муурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

### ***Эътибор беринг!***

**Такрорий муурожаат** – айна бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги муурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий муурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги муурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмагани тўғрисида хабар қилинаётган муурожаат.

**Аноним муурожаат** – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган муурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон муурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма муурожаат.

## **7. МУРОЖААТ БЕРИШ МУДДАТЛАРИ БОРМИ?**

Муурожаатларни бериш муддатлари қоида тариқасида белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар давлат органи, ташкилот ёки улар мансабдор шахсларининг муурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра муурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилгани ёхуд қарор қабул қилингани маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкилот ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тикланади.

**Мисол учун,** Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 186-моддасига кўра, агар ушбу Кодекс ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий орган, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга берилиши мумкин.

Давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилгани тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўн кун ичида судга берилиши мумкин.

Ариза (шикоят) беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

## 8. МУРОЖААТЛАР БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ИШ ЮРИТИШ ТАРТИБИ МАВЖУД?

Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилиши керак.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ва ташкилотларда мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш дафтари юритилиб, унда мурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, ижроси тўғрисидаги белги, шунингдек, бошқа керакли маълумотлар кўрсатилади.

Давлат органлари ва ташкилотлар мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиши мумкин.

Давлат органи раҳбари ёки ваколат берилган мансабдор шахсига оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда жисмоний шахс ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек, уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### ***Эътибор беринг!***

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонунининг 43-моддасига кўра, маъмурий органга келиб тушган ариза ўша куннинг ўзида рўйхатдан ўтказилиши лозим. Маъмурий орган аризачига ариза рўйхатдан ўтказилганини тасдиқловчи тегишли хужжат (белги) бериши, ариза электрон шаклда берилган тақдирда эса ариза рўйхатдан ўтказилганини маъмурий органнинг расмий веб-сайтидаги электрон хабар, тегишли ёзувга ҳавола ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усул билан тасдиқлаши шарт.

Маъмурий органда аризани рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

## **9. МУРОЖААТЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ?**

Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар шу орган, ташкилот ёки мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича зиммасига мажбуриятлар юклатилган мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилади. Давлат органи, ташкилотга келиб тушган мурожаатлар бўйсунув тартибида қуйи турувчи бўлинмаларга ҳам юборилиши мумкин. Агар мурожаатда давлат органлари, ташкилотларнинг бир нечта таркибий бўлинмаларига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижрочилар этиб белгиланади. Ижрочилар ўртасида биринчи кўрсатилган таркибий бўлинма мурожаатнинг кўриб чиқилишини бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда таъминлайди.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг

мансабдор шахслари мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари зарур ҳолларда мурожаат жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши мумкин. Агар мурожаатда қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этиш учун давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади. Мурожаатни кўриб чиқишда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш, шу жумладан, молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) зарурати юзага келса, текшириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**Эътибор беринг.** Вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахсларига ушбу қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли. Давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш унинг қонуний вакиллари, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида амалга оширилиши мумкин. Вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга

бўлмагани сабабли уларнинг мурожаатларини кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Мурожаатда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайдиган давлат органлари, ташкилотлар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари мурожаатни тегишли давлат органи, бошқа ташкилот ёки мансабдор шахс ёхуд васийлик ва ҳомийлик органига юбориши шарт.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органлар, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Бунда келиб тушган электрон мурожаат электрон шаклда юборилиши мумкин.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органлари, ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органлар, ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли давлат органлари, ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу мурожаатлар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш давомида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, мазкур мурожаат аввал келиб тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади.

Мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчини тегишли тартибда хабардор қилади.

Мурожаатлар турига киритилмаган хатлар (ташаккурномалар, табрикномалар, таклифномалар, фикр-мулоҳазалар)ни кўриб чиқиш давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларнинг ўз ихтиёрига кўра амалга оширилади.

## **10. МУРОЖААТНИ КЎРМАЙ ҚОЛДИРИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТУГАТИШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ**

**Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:**

- ❖ аноним мурожаатлар;
- ❖ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;
- ❖ қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда, тегишли хулоса тузилади. У давлат органи, ташкилот раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилгани тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

**Мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:**

➤ агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

➤ агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

➤ яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгаргани тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмагани туфайли чақириб олишни имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

➤ мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

➤ агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат органи, ташкилот раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қилади.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда, мурожаат мурожаат қилувчига давлат органи, ташкилот ёки улар мансабдор шахсининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний ёки юридик шахс вакилининг келмай қолгани сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

## **11. АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ, ТИКЛАШ ВА ТУГАТИШ АСОСЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни 37-моддасига кўра, маъмурий орган маъмурий иш юритишни қуйидаги ҳолларда тўхтатиб туришга ҳақли:

✓ фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ёки жиноят суд ишларини юритиш тартибида кўрилатган иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар маъмурий ишни кўриш мумкин бўлмаганда;

✓ маъмурий иш юритишда иштирок этаётган жисмоний шахс вафот этганда, агар ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилган тақдирда ёки маъмурий иш юритишда иштирок этаётган юридик шахс қайта ташкил этилганда;

✓ хатоларни тўғрилаш ва етишмаётган ҳужжатларни тақдим этиш имконияти берилганда;

✓ манфаатдор шахсларнинг узрли сабабларга кўра келмаганлиги, агар уларнинг иштироки маъмурий иш юритишни тамомлаш учун зарур бўлганда;

✓ манфаатдор шахснинг талабига кўра маъмурий орган томонидан экспертиза тайинланганда.

Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар манфаатдор шахсларга бир иш кун ичида юборилади. Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги хабар процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Маъмурий иш юритишни тўхтатиб туриш маъмурий иш юритиш муддатлари ўтишининг тўхташига олиб келади.

**Эътибор беринг:** Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни 38-моддасига кўра, маъмурий иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилгач, маъмурий ишни юритиш тикланади. Маъмурий иш юритишни тиклаш тўғрисидаги хабарнома манфаатдор шахсларга бир иш куни ичида юборилади.

Маъмурий иш юритиш тикланган кундан эътиборан маъмурий иш юритиш муддатларининг ўтиши давом этади.

**Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни 39-моддасига кўра, маъмурий орган қуйидаги ҳолларда маъмурий иш юритишни тугатиши шарт:**

✓ маъмурий иш маъмурий органда кўриш учун тегишли бўлмаса;

✓ маъмурий иш юритишнинг айна бир иштирокчилари иштирокидаги, айна бир предмет ва айна бир асослар бўйича маъмурий иш юқори турувчи маъмурий орган ёки суднинг иш юритувида бўлса;

✓ маъмурий иш ваколатли маъмурий органга қайта юборилган ёки маъмурий иш юритишнинг айна бир иштирокчилари иштирокидаги, айна бир предмет ва айна бир асослар бўйича маъмурий иш мазкур ишни ҳал қилишга ваколатли бўлган бошқа маъмурий органнинг иш юритувида бўлса;

✓ ушбу маъмурий органда маъмурий иш юзасидан маъмурий иш юритишнинг айна бир иштирокчилари билан, айна бир предмет ва айна бир асослар бўйича маъмурий ҳужжат қабул қилинган бўлса;

✓ ариза ёки маъмурий шикоят уни тақдим этган шахс томонидан чақириб олинса;

✓ маъмурий иш юритиш иштирокчисининг ҳуқуқий мақоми (ҳуқуқий ҳолати) ўзгариши натижасида маъмурий иш бўйича маъмурий ҳужжатни қабул қилиш мумкин бўлмай қолса;

✓ маъмурий иш юритишни тамомлаш учун иштироки зарур бўлган манфаатдор шахслар узрсиз сабабларга кўра келмаса;

✓ манфаатдор шахс мавжуд бўлмаса ва мазкур ҳолатда ишда иштирок этувчи жисмоний шахс вафот этганлиги ёки юридик шахс тугатилгани натижасида ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмаса.

Маъмурий ишни юритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асосларга кўра ҳам тугатилиши мумкин.

Маъмурий иш юритишни тугатиш процессуал ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Маъмурий иш юритишни тугатиш ҳақидаги хабар манфаатдор шахслар, жумладан, мурожаат қилган шахсга бир иш куни ичида юборилади.

## **12. АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ НАТИЖАСИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН МАЪМУРИЙ ҲУЖЖАТГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни 53-моддасига кўра, маъмурий ҳужжат қонуний, асосланган, адолатли, аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

**Маъмурий ҳужжатда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:**

- 1) маъмурий ҳужжатнинг номи ва у қабул қилинган сана;
- 2) маъмурий ҳужжатни қабул қилган маъмурий органнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- 3) маъмурий иш юритиш иштирокчилари тўғрисидаги ахборот;

4) маъмурий ҳужжат орқали ҳал қилинадиган масаланинг тавсифи (тавсиф қисми);

5) маъмурий ҳужжатнинг асоси (асослантирувчи қисми);

6) қабул қилинган қарор баёни (хулоса қисми);

7) маъмурий ҳужжат устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби;

8) маъмурий органнинг маъмурий ҳужжатни қабул қилган мансабдор шахси (коллегиал орган аъзолари)нинг лавозими, исми ва фамилияси.

### **Буни ёдда тутинг!**

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни 54-моддасига кўра, маъмурий ҳужжатнинг асослантирувчи қисмида қабул қилинган маъмурий ҳужжатнинг барча ҳақиқий ва юридик асослари келтирилиши керак.

Маъмурий ҳужжатни асослантириш чоғида маъмурий орган текширилмаган ёки маъмурий иш юритиш жараёнида маъмурий ишга қўшиб қўйилмаган ёхуд маъмурий иш юритиш иштирокчиларига танишиш имконияти берилмаган далилларга таянишга ҳақли эмас. Агар маъмурий ҳужжатни қабул қилишда маъмурий органга маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) берилган бўлса, маъмурий ҳужжатнинг асослантирувчи қисмида у ёки бу маъмурий ихтиёрийликка (дискрецион ваколатга) ёхуд ундан воз кечишга сабаб бўлган барча баҳолар, важлар ва мулоҳазалар баён этилади. Бунда маъмурий орган ўзи қабул қилган маъмурий ҳужжатнинг маъмурий тартиб-таомиллар принципларига мувофиқлигини асослаб бериши керак.

### **13. МУРОЖААТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун жавобгарлик назарда тутилган.**

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши ҳамда мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик – мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

#### **Муҳим жиҳат!**

**Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 144-моддаси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб номланади. Унга кўра, қуйидаги қилмишлар учун жиний жавобгарлик назарда тутилган.**

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши ҳамда мурожаат

муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки мурожаат муносабати билан маълум бўлиб қолган жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, худди шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органи, давлат муассасаси ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек, бошқача шаклда танқид қилганлиги сабабли мансабдор шахс томонидан таъқиб этиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **Бу кизик!**

### **Моддий зарар ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш**

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси, шикоятни ана шу мурожаатлар бўйича қонунга хилоф қарорлар қабул қилган давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарар ўрни, ариза ва шикоятни кўриб чиқиш учун тегишли давлат органи, ташкилот, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари талабига кўра жойларга бориш муносабати билан қилинган харажатлар ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақининг ўрни мурожаат этувчига суд тартибида қопланади. Суд тартибида маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин.

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси ёхуд шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилгани муносабати билан унга етказилган моддий зарар ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат органи, ташкилот томонидан тўланган маблағлар айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

## 14. МУРОЖААТЛАР ЮЗАСИДАН НАМУНАЛАР ВА ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

Жисмоний шахс аризасининг намунаси  
(давлат органининг номи)

### АРИЗА

Мен, \_\_\_\_\_  
(ариза берувчининг тулиқ Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_  
(ҳақон ва ким томонидан берилган)  
томонидан берилган  
паспорт серияси \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг номи ва реквизитлари)

\_\_\_\_\_ манзилда яшайман,  
(домий ски вақтинча яшаш манзили)

алоқа қилинадиган телефоним \_\_\_\_\_  
санасида туғилганман,

\_\_\_\_\_ га  
(апостиль тақдим этиладиган мамлакат)

тақдим этиладиган расмий ҳужжатларга апостиль қўйишингизни сўрайман.

Ушбу аризага қуйидагилар илова қилинмоқда:

Т/р Ҳужжатнинг реквизитлари нусхалари сони

Қуйидаги тилдаги апостилнинг босма изини тўлдиришингизни сўраймиз (кераклиси квадратда белгиланади):

ўзбек тилида  инглиз тилида

Ушбу билан апостилнинг амал қилиши фақат хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қатнашчилари бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конвенцияга қўшилишини эътироф этадиган мамлакатларга татбиқ этилишидан хабардор эканимни тасдиқлайман.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва  
оммавий коммуникациялар  
агентлиги директори  
Ф.И.Ш. га

\_\_\_\_\_ томонидан

**АРИЗА**

*(матбаа фаолиятини рўйхатга олиш тўғрисида)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.12.2002 йилдаги 454-сон қарорига асосан, “-----” масъулияти чекланган жамиятининг матбаа фаолиятини рўйхатга олиб, гувоҳнома беришингизни сўрайман.

**Амалдаги гувоҳнома рақами ва берилган санаси:** -----

**Матбаа корхонасининг тўлиқ ва қисқартирилган номи:** -----

**Фаолият турлари:**

- фаолият турлари матбаа корхонасида мавжуд ускуналар имкониятидан келиб чиққан ҳолда ёзилиши шарт.

**Юридик шахс манзили:** ----- шаҳри (вилояти), ----- тумани, ----- кўчаси, ---уй.

**Матбаа фаолияти амалга ошириладиган манзил:** ----- шаҳри (вилояти), ----- тумани, ----- кўчаси, ---уй.

**Корхона телефон рақами:** -----;

**Корхона раҳбарининг телефон рақами:** -----

“-----” МЧЖ директори **Ф.И.Ш.**

*(муҳр ўрни)*

\_\_\_\_\_ *(имзолинган сани)*

Изоҳли қўлланма:

1. Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар бир нусхада тақдим этилади.
2. Ариза муассиснинг расмий бланкида ёки штамп қўйилган ҳолда берилиши шарт.
3. Муассис томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ногўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги гувоҳнома бериш рад этилишига олиб келади.

## Электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун

### ЭЛЕКТРОН АРИЗА

(юридик ски жисмоний шахсининг тўлиқ номи, почта манзили, банк реквизитлари)

(кейинги ўринларда иштирокчи деб аталади) ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилиш тўғрисида электрон аукцион ўтказилиши ҳақидаги хабарнома билан танишдим:

Лот рақами: № \_\_\_\_\_

Лот номи: \_\_\_\_\_

ҳужжат бўйича электрон аукционда иштирок этиш учун закатат пулини тўлаб,

(тўлов ҳужжатиининг реквизитлари)

ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича электрон аукцион ўтказиш қондалари (кейинги ўринларда қондалар деб аталади) билан танишдим, 20\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ да веб-порталда ўтказиладиган электрон аукционда иштирок этиш учун ушбу аризани қабул қилишингизни сўрайман.

Иштирокчи электрон аукционда иштирок этиш учун ушбу аризани тақдим этиб, электрон аукционни ўтказиш бўйича қондаларда белгиланган шартларга розилик беради.

Иштирокчи унинг маълумотлари нотўғри бўлган тақдирда, аукцион натижалари ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши ва закатат пули қайтариб берилмаслиги ҳақида огоҳлантирилди.

Иштирокчи электрон аукционга ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ер қаъри участкалари рўйхати асосида реализация қилинаётгани тўғрисида хабардор қилинди ва иштирокчи аукцион ғолиби деб топилганда, унга юкланадиган талаб ҳамда мажбуриятларга риоя этишни зиммасига олади.

Иштирокчи “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдони операторидан ҳар қандай билдиришномани иштирокчининг қуйидаги электрон почта манзилида олишини расман тасдиқлайди.

(электрон почта манзили)

Иштирокчи “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдони оператори ушбу электрон почта манзилига юборган билдиришномалар жўнатилган вақтда расман олинган деб ҳисобланиши ва “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдони иштирокчиси ушбу билдиришномаларни ўз вақтида ўқимагани учун жавоб бермаслигини тасдиқлайди.

Закатат пулини қайтариш учун иштирокчининг банк реквизитлари:

Банк номи \_\_\_\_\_;

Банк МФО \_\_\_\_\_;

Банкнинг ҳисоб рақами \_\_\_\_\_;

Иштирокчининг СТИРи: \_\_\_\_\_

Илова: иштирокчи электрон аукцион ўтказиш ҳақидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат пулини ўтказганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати ва жисмоний шахс паспортининг электрон (сканер қилинган) нусхалари.

Тўлдирилган сана: 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_

**Иштирокчининг электрон рақамли имзоси (ЭРИ)**  
**Электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун аризани ўзгартириш ёки**  
**чақириб олиш тўғрисида**  
**БИЛДИРИШНОМА**

Ушбу \_\_\_\_\_

(торядлик тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи, почта манзили)

\_\_\_\_\_ га (электрон аукцион ўтказиладиган сана) белгиланган \_\_\_\_\_-сон лот бўйича электрон аукционда иштирок этиш учун ўз аризасини ўзгартиради ёки чақириб олади.

Ушбу билдиришнома орқали ўзгартиришлар аризанинг \_\_\_\_\_

(аризанинг ўзгартириладиган қисмлари ва ўзгараётган маълумотлар)

қисмларига тааллуқли.

Сана \_\_\_\_\_

Иштирокчининг электрон рақамли имзоси (ЭРИ)

(order namunasi)

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOShqARISH AGENTLIGI**  
(vaqolatli organining nomi)

(orderning birinchi ichki tomoni)

**MULK HUQUQINI BERUVCHI DAVLAT ORGANI**

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ »

№ \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ »

\_\_\_\_\_ рақами билан давлат реестрига киритилган

Ушбу order \_\_\_\_\_

(order berishning asosi)

\_\_\_\_\_ асосида берилган ва

\_\_\_\_\_ вилояти,

\_\_\_\_\_ тумани,

\_\_\_\_\_ маҳалли,

\_\_\_\_\_ кўчаси,

\_\_\_\_\_ уй манзилида жойлашган, умумий майдони \_\_\_\_\_ кв. м.

турар жой майдони \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ кв. м, қиммати \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сўм булган

\_\_\_\_\_ квартира

(сумма сўз билан ёзилади)

(квартира, уй (уйнинг  
бир қисми)

\_\_\_\_\_ дан

(маҳаллий давлат ҳокимияти органи, давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилотнинг тўлиқ номи)

\_\_\_\_\_ томонидан

(Ф.И.О., паспортга оид маълумотлар, юридик шахснинг тўлиқ номи ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилгани  
тўғрисидаги маълумот)

\_\_\_\_\_ сотиб олинганлигини тасдиқлайди.

Вақолатли органининг раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

(Orderning ikkinchi ichki  
tomoni)

Бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги белгилар

(faqat vaqolatli organ tomonidan kiritiladi)

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**DAVLAT GEOLOGIYA VA MINERAL RESURLAR QO'MITASI**  
**Qimmatbaho metallarni oltin izlovchilar usulida qazib olishda yer qa'ri uchastkasidan**  
**foydalanish huquqi uchun**  
**LITSENZIYA**

SERIYASI \_\_\_\_\_

TARTIB RAQAMI \_\_\_\_\_

Litsenziya \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ga berildi.

(ushbu litsenziyani olgan yuridik yoki jismoniy shaxs)

Litsenziya qimmatbaho metallarni oltin izlovchilar usulida qazib olish faoliyatini amalga oshirish uchun yer qa'ri uchastkasidan foydalanish huquqini tasdiqlaydi.

Yer qa'ri uchastkasining nomi (yoki raqami) \_\_\_\_\_

Yer qa'ri uchastkasi \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ da joylashgan.

(Qoraqalpog'iston Respublikasi yoki viloyat tumani, aholi punkti nomi)

Litsenziya berish uchun

Asos \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ tegishli hujjatning turi, nomi, tartib raqami va qabul qilingan sanasi)

Yer qa'ri uchastkasining maydoni \_\_\_\_\_

(gektarda, son va so'z bilan)

Litsenziyaning amal qilish muddati \_\_\_\_\_

(kun, oy, yil)

Quyidagilar litsenziyaning ajralmas qismi hisoblanadi:

Yer qa'ridan foydalanish shartlari \_\_\_\_\_

(ilovaning tartib raqamlari, varaqalar soni)

Yer qa'ri uchastkasining geografik koordinatali nuqtalari \_\_\_\_\_

Litsenziya berilgan sana \_\_\_\_\_ y. " \_\_\_\_\_ "

**O'zbekiston**  
**Respublikasi Davlat**  
**geologiya va mineral**  
**resurslar qo'mitasi**  
**raisi**

M.O': \_\_\_\_\_

(imzo)

(F. I. Sh.)

20 \_\_\_\_\_ y. " \_\_\_\_\_ "

(Litsenziya uning ajralmas tarkibiy qismi hisoblangan zarur ilovalar mavjud bo'lgan taqdirda haqiqiy hisoblanadi)

## 15. ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

### Хуқуқий мадад

**Савол.** “Ассалому алайкум! Тиббиёт олийгоҳининг олий ҳамширалик факультетини тугатдим. Дорихона очиш ниятидаман. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак? Жавоб учун олдиндан раҳмат”.

### Жавоб.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 284-сон қарори билан тасдиқланган “Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан, дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ягона портали (<https://my.gov.uz/>) орқали амалга оширилади.

Тўлиқ маълумотни бу ердан олишингиз мумкин: <https://lex.uz/docs/3204383>

Қўшимча: дорихона мудирини — олий фармацевтик маълумотга эга бўлиши керак”.

### Кредит олиш учун нима қилиш керак?

#### Маслаҳат

#### 1-қадам.

Сизга қулай ва яқин жойлашган банкни танланг ҳамда банк мутахассиси билан учрашув тўғрисида келишиб олинг. Учрашув чоғида банк мутахассиси сизни кредит олиш учун зарур ҳужжатлар рўйхати билан таништиради, уларнинг

шакли ва мазмуни юзасидан маслаҳат беради ҳамда сизнинг барча саволларингизга жавоб беради.

### **2-қадам.**

Ҳужжатларни тўплаш ва кредит аризасини тўлдириш.

Барча зарур ҳужжатларни тўпланг. Учрашув чоғида банк мутахассиси билан биргаликда кредит олиш учун кредит аризасини тўлдириш ва барча ҳужжатларни топширинг. Банк мутахассиси кредит аризасини рўйхатдан ўтказди ва сизга кредит аризаси рўйхатдан ўтказилгани, топширилган ҳужжатлар белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун қабул қилингани тўғрисида маълумотнома беради.

### **3-қадам.**

Кредит аризаси кўриб чиқилиши ва банк томонидан белгиланган тартибда қарор қабул қилиниши.

Барча зарур ҳужжатлар илова қилинган кредит аризаси банкка келиб тушган кундан то банк кредит аризаси бўйича қарор қабул қилгунигача қадар ўтадиган муддат 10 иш кунидан ошмайди. Кредит суммасига қараб бу муддат икки мартадан кўп бўлмаган муддатга ошиши мумкин. Кредит аризасини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддати сиз тақдим этган ҳужжатлар тўплами тўлиқлигига боғлиқ. Банк мутахассисига корхонангиз ва сиз таъминот сифатида таклиф этаётган мулкни кўрсатинг.

Пост [@bankirkundaligi](https://t.me/bankirkundaligi) каналидан олинди.

## ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 76.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрирда 2017 йил 11 сентябрь, ЎРҚ-445-сон).

3. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сон фармони.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом”.

6. Ўзбекистон Республикаси Кодекслар тўплами. Расмий нашр. – Т.: Адолат, 2019. – Б. 960.

**НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ  
ЮСУПОВ САРДОР БАХАДИРОВИЧ**

**ДАВЛАТ ОРГАНИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ  
ҲУҚУҚИНГИЗ БОР**

**Рисола**

*Масъул муҳаррир: Ҳ. Силоева  
Муҳаррир: Ф. Муҳаммадиева  
Техник муҳаррир: У. Сапаев  
Компьютерда саҳифаловчи: Д. Ражапов*

Босишга рухсат этилди: 16.06.2021.  
Ҳажми: 2 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 9.

Тошкент давлат юридик университети  
Типография бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.